



Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев 19 апрель куни «Uzbekistan airways» ҳамда «Uzbekistan airports» акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш чора-тадбирлари тақдироти билан танишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

19 апрель куни юртимиз бўйлаб 2-10 ёшдаги (жами 6 миллион 115 минг нафардан ортиқ) бола ҳамда зарарланиш юқори бўлган хуудлар (Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси)даги мактабларда 15 ёшгача (жами 445 минг нафардан ортиқ) мактаб ўқувчилари орасида ичак гельминтози билан касалланишнинг олдини олиш бўйича оммавий тадбирлар бошланди.

Ўзбекистон ва Покистоннинг етакчи таҳлилий тузилмалари ўртасида «Ўзбекистон – Покистон: ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида видеоконференция бўлиб ўтди.

«Тахиятош ИЭС» акциядорлик жамиятида янги Л-1-Х-1-220 кВ қувватга эга юқори кучланишли ҳаво электр линиясини ишга тушириш бўйича амалга оширилган ишлар муваффақиятли якунига етказилди.

Россия, Беларусь, Қозғистон, Украина, Тожикистон, Қирғиз Республикаси ва юртимизнинг қатор олий тиббий даргоҳлари ва институтлари ўқитувчи ва талабалари икки кун давомида Самарқанд давлат тиббий институтида ўтказилган «Стоматологияда эстетик реставрациялаш маҳорати» Халқаро олимпиадасида иштирок этди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил
20 апрель
сешанба
№ 53
(4493)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Хоразм вилояти

88 та янги иш ўрни


«Янгибозор биллур текстиль» корхонасида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да қайд этилган хотин-қизлар фаолият бошлади

Хоразм вилоятида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммолари ишчи гуруҳи ва масъулларнинг кўмаги билан ижобий ҳал этилмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари рўйхатдаги аёллар билан учрашиб, яшаш шароити ва муаммолари билан атрофлича танишиб, амалий ёрдам кўрсатишяпти.



Ишчи гуруҳ фаолияти



Самарқанд вилояти

Миннатдорлик

Юксак эътибор учун ташаккур!

Ёшим саксондан ошди. Яқинда озгина бетоб бўлиб қолдим. Иссиқ жон – иситмасиз бўлмайди. Тан бироз шифо истабди. Майлида... Шифохонадаман. Ишдан узоқроқда. Бундай лаҳзаларда одам кўп нарсаларни таҳлил қилар, ўйлар экан. Баъзан хаёл олиб қочади. Кўнгил қурғур беихтиёр саволга ҳам тутади: нимага улгурдим, тўғри яшадимми, яқинларим мендан розими... дегандек.

Йўқ, йўқ... Бу тушкунлик эмас. Шунчаки, ҳаммада ҳам кечадагидан туйғулар шекилли... Энди бугунги ёш ҳам эмасиз. Кексаликда одамнинг кўнгли ҳам нозиклашиб қолар, бир оғиз ширин сўзга маҳтал бўлиб, бир чимдим эътибордан боши осмонга етар экан. Биласизми? Кеча менинг ҳаётимда яна бир унутилмас воқеа бўлди. Президент менинг ҳолимни сўраб, шифохонага келди...

Аллоҳга беҳисоб шукур, умрим давомида кўп яхши инсонларга рўбарў келдим. Оқибатли, меҳридарё, фидойи... Улар орасида Шавкат Миромонович барибир ўзгача, ажралиб туради. Самарқанд вилоятини бошқарган кезларда мен бу инсоннинг келажакда юртга раҳбар бўлиши зарурлигини кўнглимдан кўп бор ўтказганман. Биласизми, Ўзбекистон у кишига овоз берганида мен каби шодланган яна бормикан, деб ўзимга савол берганларимни эсладим. Чунки чин фидойилик, ватанпарварлик, одамийлик ҳаммаси бир инсонда бу қадар мужассам бўлгани камдан-кам учрайди. Оқибати, меҳридарёлигининг чексизлигини айтинг. Шу боис, Аллоҳ

бизга бу инсонни халқимизни суйганидан берган, деб ишонаман.

Самарқандга келиб қанчадан қанча муҳим лойиҳаларни ўз кўзлари билан кўриб, янги топшириқларни бериб, кўплаб учрашувлардан ортиб, яна вақт ажратиш мени ҳам йўқлаб келишлари... Менинг аҳволимдан хабар олиб турвоқеа бўлди. Президент менинг ҳолимни сўраб, шифохонага келди...

Бошим осмонга етди! Муҳтарам Юртбошимга таъзимдаман. Менинг камтарона хизматларимни эътиборга олдгани, хабар олиб, яна денг, «бизга кераксиз, Самарқандга кераксиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлади», деган самимий дил сўзларини эшитиб, ёш боладек қувончим ичимга сиғмай кетди, кўзларим ёшланди.

Раҳмат Сизга муҳтарам зот, бу оқибат, бу ғамхўрлигингиздан бевҳад шод бўлдим, танним қувватланди, руҳим шодланди...

Аллоҳ насиб этса, юртга ҳали кўп хизмат қилишга чоғланиб турибман...

Ҳасан НОРМУРОВО,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Олий Мажлис Сенати аъзоси



Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳри, «Байналмилал» МФЙда яшовчи Ситора Бозорованинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ўз вазифасига ишга тиклашда ёрдам беришни сўраб йўллаган мурожаати атрофлича ўрганилди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ғайриқонуний буйруқ бекор қилинди

Қайд этилишича, Ситора Бозорова Термиз шаҳридаги 18-мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг 20.03.2020 йилдаги 37-сонли буйруғига асосан 0,5 штат бирлигида қисқа гуруҳ тарбиячиси вазифасига ишга қабул қилинган. 2020 йил 9 декабрь куни соат 13:00дан 17:00гача иш вақтида сабабсиз бўлмагани учун у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Касаба уюшмалари фуқаронинг манфаатини кўзлаб, 18-МТТга нисбатан уни ишга қабул қилиш вақти учун ойллик иш ҳақлари ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақида Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2021 йил 26 январдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво рад этилди. Мазкур қарордан норози бўлиб, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси апелляция шикоятни киритди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори

Муносабат

КУЧИМИЗ – ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Яқинда Россиянинг нуфузли ОАВларидан бири – «Коммерсантъ» нашрининг иловаси «Review Центральная Азия» газетасида сиёсатшунос, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқовнинг «Евросиё Кўшма Штатларини тузиш керакми?» сарлавҳали мақоласини ўқидим.

Давлат ва айни вақтда ниҳоятда долзарб мавзуда ёзилган мақолада Марказий Осиё минтақасининг барча халқларига тегишли бўлган оғриқли муаммолар ҳақида сўз кетади – тўғриси айтиш, муаллифининг билими, фалсафий ва сиёсий қарашлари менда катта таассурот қолдирди.

Мақола содда тилда, аммо жуда кенг қамровда, уйғоқ руҳ ва теран тафаккур билан битилган. Бунда тарих, турли даврлардаги ривожланиш ҳамда тараққиётсизлик – турғунлик ҳолатлари мантиқий далиллар ва асосли фикрлар билан очиқ берилган. Мақола ўқувчининг билимини оширибгина қолмай сиёсий қарашларини ҳам шакллантиради, фикрлашга ундайди, қалбда жамият ва тараққиётга дахлдорлик ҳиссини кучайтиради.

Биласизми, тарихни билган инсон узоқни бошқалардан кўра яхшироқ кўради. Мен шу маънода Қудратилла Рафиқовда донишмандлик сиймосини кўрдим. Айниқса, интеграцион ҳаракатлар тўғрисидаги фикрларини ўқир эканман, келажакка қадам тарихга қараб қўйиши нақадар тўғри ва холис бўлишига ишондим.

Дарвоқе, интеграция хусусида. Бу халқимизнинг машҳур ривоятини ёдимга солди. Сиз ҳам эсладингиз-а, ўша ривоятни: бир киши фарзандларини тўплаб, ҳар бирига биттадан хивич бериб, уни синдиришни сўрайди. Барчаси буни осонлик билан удралайди. Сўнгра бир неча хивични йиғиб, уларни боғлайди ва фарзандларидан боғламни синдиришни сўрайди.

Носир ТОИРОВ,
сиёсатшунос



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИДАДИГАН

1092 –


ҚИСҚА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган **12-11** қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича истаган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Келгусиз совларда ўқинг...





Жиззах вилояти

«Энди мен тадбиркорман»

Пахтакор тумани «Сувонобод» маҳалласида яшовчи Наргиза Муносибова ёш бўлишига қарамасдан турмушнинг аччиқ зарбасини татиб кўрди. Тўнғич фарзанди юрак хасталиги билан дунёга келди. Аммо ёш она ва унинг оиласи норасида гўдак саломатлиги учун ҳар нарсага тайёр эди. Ҳали Тошкент, ҳали Самарқанддаги шифохонага болани олиб чопди. Уйдаги бор-будини сарфлади. Тўнғич фарзанд ҳозирда 2-гурӯх ногирони.

Наргиза ва унинг оиласидаги ҳолатни маҳалла фаоллари ўрганиб чиқиб, фарзандларини боғчага бепул жойлашга кўмаклашди. Ўзини бўлса «Аёллар дафтари»га киритишди. Умр бўйи турмуш ташвишларига кўмилиб, қачондир рўшнолик кўриш, муаммолар гирдобидан қутулишни орзу ҳам қилмай кўйган Наргиза кутилмаганда давлатнинг бундай эътиборидан руҳланиб кетди. Яқинда у «Халқ банки» Пахтакор тумани бўлимидан паррандачилик учун 15 миллион сўм кредит олиб, 60 та курка харид қилди.

— Курка деганлари тез курк бўлар экан, — дейди Наргизахон. — Ҳозир уларнинг 20 таси 18 тадан тухум босиб ётибди. Куркалар емишни ажратмайди, ҳайдаб боқсанг ҳам бўлади. Лекин биз

кўпроқ тухум олиш учун тўйимли озуқалар беряпмиз. Баъзида олдинги кунларимга назар соламан, «Қачон болалар нафақасини беришар экан? Моддий ёрдам оладиганлар рўйхатига киргизишди-микми?», дея маҳалла эшигида кўп вақтимни ўтказганман. Энди мен тадбиркорман. Орқага йўл йўқ. Орзуларим эса бир олам. Биттаси — ўзимнинг паррандачилик фабрикамага асос солмоқчиман. Ажаб эмаски, бир кун парранда гўштини қайта ишлайдиган корхона ҳам очсам... Мухими, мен ҳаракат қилишни, ҳаёт учун курашишни ўргандим.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



Тошкент вилояти

Кичик мадад билан КАТТА ОРЗУЛАР сари

Орамизда шундай инсонлар борки, бошига ҳар қандай оғир кун тушса ҳам таслим бўлмайди. Тақдирдан, шароитдан, одамлардан нолиб, ёзғирмайди. Синов ва дардларни сабр билан енгади. Уларнинг умр йўли «Берсанг ейман, бермасанг ўламан» қабилида кун кечирадиган боқиманда одамларга ўрнак, аслида.

Бекободлик Санобар Рўзиқулова ҳам сув келса симириб, тош келса кемириб, ўз ҳаётини ўзгаришига ҳаракат қилаётган аёллардан. Бу не кўргуликки, унга тўсатдан оғир дард ёпишди. Қарийб уч йил тўшак михлибди қолди. Лекин ҳаётдан умидини узмади. Хонасида гул парвариласай бошлади. Ўқсик кўнглини шу йўл билан кўтарди. Бора-бора бу иш унинг овунчоғига айланди. Тобора кўз ўнгиде чирой очиб бораётган гулларни кўриб, оёққа туришга бўлган ишонч янада ошди. Ва ниҳоят, дарддан қутулди...

— Ёшлимдан гул етиштиришга қизиқардим. Аммо баъзи бир сабабларга кўра бу ишни амалга оширишнинг имконини қилолмасдим. Ҳар бир ишда ҳикмат бор, деб беҳизга айтишмас экан. Тўшакка михланиб қолган, кўп йиллик нијатим амалга ошди. Гул парвариласга бўлган қизиқишим туфайли касалликни енгиб ўтдим.

С. Рўзиқулова ўтган йили ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш мобайнида «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган эди. Оилавий шароити оғирлиги инобатта олиниб, жорий йилда унга «Халқ банки»нинг Бекобод тумани филиалидан 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»



— Туман ҳоқимига гулчилик билан шуғулланиш нијатим борлигини айтдим, — дея сўзида давом этади Санобар Рўзиқулова. — Мутасаддилар туман марказидаги «Боғишамол келажоғи» фермер хўжалигидан бир гектар ер майдони ажратиб беришди. Банкдан олган кредитга ушбу жойда қисқхона ташкил этдик. Айни пайтда 12 хил ер, 25 хил тувак гуллари парвариласаяпмиз. «Аёллар дафтари»да турувчи тўрт нафар аёлнинг ҳам бандлиги таъминланди. Меҳнатим ортидан «Аёллар дафтари»дан чиқиб олдим. Режаларим гулчилик ишларини янада кенгайтириб, бутун бошли туманни гул билан таъминлаш. Ўрни келганда мутасаддиларга ҳаётга қайтишимга сабабчи бўлганлари, ҳол сўраб, беминнат ёрдам бергани учун ташаккур айтаман.

Бугун арзимаган етишмовчилик ёки ташвишдан фиғон чекиб, ҳали уни, ҳали буни айблаб, нолиб юрган опа-сингиллар қанча. Тайёрига ўрганиб қолган шундай хотин-қизларга айтар сўзимиз — ҳаракат қилинг. Ўз ҳаётингизни ўзингиз ўзгартинг. Зотан, ҳар қандай вазиятда излаган имкон топади. Санобар Рўзиқуловадан ўрнак олинг.

«1

Масалан, Хонқа тумани «Мангулик» маҳалласидан тадбиркорлик қилиш истагини билдирган Дилдора Собировага новвойлик қилиши учун 9 миллион 947 минг сўм кредит ажратилди. «Паҳлавонлар» маҳалласидан Рисолат Сувоновага сурункали буйрак етишмовчилигидан даволаниши учун ордер берилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман олганда, Хоразм вилояти бўйича 52 минг 17 нафар аёл рўйхатга тушган. Бугунги кунга келиб уларнинг 35 минг 884 нафари, яъни 69 фоизига кўмаклашилди.

Белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан жойларга масъуллар билан ташриф буюраётган вилоят штаби раҳбари Қутлимурот Собиров Янгибозор туманида ҳам бўлди. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик формаларини йўлга қўйиш, торморқа ерларидан самарали фойдаланишига кўмаклашиш ҳамда кредит ажратиш бўйича сектор раҳбарларининг маълумоти тингланиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Йиғилишдан сўнг мутасаддилар Янгибозор тумани «Наврўз» МФЙ ҳудудида жойлашган «Янгибозор биллур текстиль»

88 та янги иш ўрни



корхонасига бориб, у ердаги кооперация фаолияти билан танишишди. Аввал «Пахта саноати» АЖга қарашли бўлган ушбу иншоотнинг айрим сабабларга кўра фаолияти тўхтаб, бўш турган бино масъул ташкилотлар ёрдамида тад-

биркорга берилган эди. Тикувчилик цехига айлантирилган бинода бугунги кунда кооперация раҳбари Шарофат Ражапова «Аёллар дафтари»даги 63 нафар, «Ешлар дафтари»даги 25 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Кооперацияда кўрпа, ёстиқ, пайпоқ, чойшаб, кўйлак, спорт формалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, уларни Россия Федерацияси ва Покистонга экспорт қилиш режалаштирилган.



Кулайлик ва шароит яратиш мақсадида ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари учун кооперацияда боғча ташкил қилинган.

Ғулумбой СОБИРОВ



Фарғона вилояти



Яхшиларнинг шарофати билан...

Бешариқлик Ойниса Парпиева айна ишлайман, фарзандларим ўқитман деган бир пайтда оғир хасталикка йўлиқди. Даво истаб бормаган шифохонаси, кўринмаган шифокори қолмади. Бедаво касаллик уни биринчи гурӯх ногиронига айлантириб қўйди.

Арзимаган даромад дори-дармондан, рўзгордан ортмай қўйди. Бу орада уй-жойи ҳам нурай бошлади. Томдан чакка эмас, ёмғир сизиб ўтиши эса дард устига чипқон бўлди.

Аёллар муаммоларини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гурӯҳнинг ўрганишларидан сўнг ташвишларга кўмилиб яшаётган Ойниса Парпиеванинг ҳам елкасига офтоб теги. У «Аёллар дафтари»га киритилди.

— Мутасаддиларнинг кўмаги билан ниҳоят унинг томи шифер бўлди, — дейди Ойниса Парпиева. — Девоғлар янгитдан таъмирланди. Пол, дераза ва эшиклар янгиланмоқда. Яхшиларнинг шарофати билан хонадонимиз шинам ва кўркам тусга кирди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, ўрганишлар давомида бешариқлик 45 минг 573 нафар аёлдан 4 минг 683 нафари 9 тоифа бўйича «Аёллар дафтари»га киритилди.

Уларнинг 2029 нафари ишсиз, 1036 нафари тиббий ҳимояга муҳтож, 335 нафари боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд, 380 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлиги бор шахс, 13 нафари эса уй-жойини таъмирлашга муҳтож ногирон аёллар.

Савий-ҳаракатлар натижасида 723 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди. Улар орасида «Навбахор» МФЙда «Аёллар дафтари»да турувчи Саодатхон Раҳмонова ҳам бор. У Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерациясининг молиявий кўмаги билан фаолиятини бошлаган «KORK» тикувчилик фабрикасига ишга жойлаштирилди. Унинг тендошини Кумушхон Тошпўлатова ҳам яшаш жойига яқин бўлган текстиль корхонасидан кўним топди. Муслима Полвонова ҳам ишсизлиги боис, кўнлик ишларга чиқиб рўзгор тебратар эди. Ўрганишлардан сўнг у йези яшаётган «Навбахор» МФЙга ёрдамчи инспектор бўлиб ишга кирди.

Аслида, бешариқлик аёллар ўта омилкор бўлиб, озгина кўмак ва туртки бўлса кифоя, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқади. Ўрганишларда 120 нафар аёл тадбиркорлик қилиш истагини билдирган эди. Шу кунгача «Аёллар дафтари»даги 96 нафар аёл тадбиркорликка ўқитилиб, уларнинг 61 нафарига ўз тадбиркорлигини бошлаш учун банк томонидан жами 682,2 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиб берилди.

«Бахмал» МФЙда яшовчи Феруза Худойбердиева қўл-оёғи чаққон. Меҳнатдан сира қочмайди. Хонадонига ишчи гурӯх вакиллари келганида тадбиркорлик қилиш

истаги борлиги, бироқ маблағи йўқлигини айтганди. Унинг бу муаммоси қисқа муддат ичида ҳал бўлди. Унга банк томонидан 20 миллион сўм кредит маблағи ажратиб берилди.

— Уйимизда товук боқиш учун шароит бор. Шунинг учун банкдан берилган маблағ эвазига 500 бош товук ва катак сотиб олдим, — дейди Феруза Худойбердиева. — Ҳар кун 400 дона тухум оляпмиз. Ун кун ичида 4 миллион сўмлик тухум сотдик. Буни қарангли, тухум кўшиларимдан ортмаяпти. Кези келса, миҳозларга тухум етказолмаяпмиз. Бекорга товукни етти хазинанинг бири дейишмаган экан. Нијатим, кузгача товуклар сонини минг бошга етказиб, 2 нафар ишчи олиш.

«Аёллар дафтари»га кирган Ҳилола Деҳқонова ҳам тадбиркорлик қилиш учун шароити борлиги, лекин сармоя етарли эмаслигини билдирганди. Унинг бу мушқули ишчи гурӯҳнинг кўмаги билан тезда ечимини топди.

— Шароитимиз бор-у, имконимиз йўқ эди, — дейди Ҳ.Деҳқонова. — Банкдан ажратилган 10 миллион сўм кредитга 8 кўти асалари сотиб олдик. Боғимизда гуллар кўп. Асаларичилик, биласизки, сердаромад соҳа. Ундан яхши даромад топса бўлади.

«Намуна» МФЙда яшовчи Замирахон Очиловнинг қўлида гулдек ҳўнари бор. Фақат рўзгоридан ортиролмай дурустроқ тикув машинаси ололмаётган эди. Ишчи гурӯҳнинг амалий ёрдами билан унга тикув машинаси учун кредит ажратилди.

— Олинган кредитга 2 та тикув машинаси олдим, — дейди З.Очилова. — Кўрпа-тўшақ, чойшаб, дастурхонлар тикмоқчиман. Ҳозирданқў кўшиларимдан бюртмалар тушмоқда. Қолаверса, шогирдлар олиб, уларга ҳам ҳўнар ўратиб нијатимдан.

Ҳа, Президентимизнинг ташаббуси билан жорий этилган «Аёллар дафтари» орқали кўплаб хотин-қизларнинг мушқули осон бўлиб, йиллар давомида уларни қийнаб келган муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



Сирдарё вилояти

Муаммолар ижобий ечим топмоқда

«Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 4-уйда истиқомат қилувчи 68 ёшли Флюра Иноятова муқаддам турли соҳаларда ишлаган. Жумладан, болалар боғчасида ошпаз, қурилишда сувоқчи, шифохонада фаррош вазифасини бажарган. Бироқ пенсияга чиққач, ҳаётнинг кетма-кет зарбаларига дуч келди. Сабаби, қизи турмуш ўртоғи ва боласи билан чет давлатга кўчиб кетди. Ўғли эса дом-дараксиз йўқолди. Ёлғизликдан қаттиқ изтироб чеккан кекса онахон охир-оқибат қон босими касаллигига йўлиқди.

— Яқинда уч-тўрт киши хонадонимга келиб, «Сизни кўпроқ қандай муаммо қийнапти, биздан нима ёрдам керак?», деб сўрашди, — дейди Флюра опа мамнуният билан.



— Улар яшаш шароитинг билан танишгач, уйим таъмирлаб берилишини айтишди. Кўп ўтмай, бир гурӯх усталар келиб, даҳлиз, ошхона, ювиниш хо-

наси ва меҳмонхонани таъмиртанишгач, уйим таъмирлаб берилишини айтишди. Кўп ўтмай, бир гурӯх усталар келиб, даҳлиз, ошхона, ювиниш хо-



Сурхондарё вилояти

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги нуфузи ва фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш юзасидан Жарқўрғон туманида ҳам диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бунда ишчи гурӯх мутасаддиларида 4 та сектор ҳамкорлигида «Аёллар дафтари»нинг шакллантирилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Улар ўнтадан иш ўрни яратмоқда

Бизнингча, янги иш ўрнлари яратиш борасида туманининг «Нефтчилар» маҳалласида яшовчи О.Зулунова ва О.Назаровдан бошқалар ўрнак олса, арзийди.

...О.Зулунованинг турмуш ўртоғи вафот этган. Қарамоғида воёга етмаган икки нафар қизалоғи бор. Шундай бўлса-да, у ишли бўлиш ва даромадини кўпайтириш учун ҳеч кимдан ёрдам сўрамади. Аксинча, маҳалла марказида анчадан буён бўш ётган биного уйдаги ва қариндошларидан олинган 5 та тикув машинасини ўрнатиб, чеварлик қилишни бошлаб юборди. Бу ишга «Аёллар дафтари» рўйхатидаги Ҳафиза Улашова, Маржона Рафқорова, Наврўза Бўроновани ҳам жалб этиб, тикувчиликни ўргатди. Ҳозир улар аҳоли буюртмаси асосида фаолият юритишяпти. Маҳалладаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда яшовчи аёллар ва қизларга имтиёзли нархларда кўйлақлар тикиб беришяпти. О.Зулунова келгусида тижорат банкларидан кредит олиб, тикувчилик цехини кенгайтириш, шунинг баробарида яна 10 нафар маҳалладошини доимий иш билан таъминлаш бўйича бизнес-режа тўзаяпти.

Икки нафар воёга етмаган фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаётган Озода Назарова ҳам худди шундай йўл тутди. У Халқ банкидан 120 миллион сўм миқдорда кредит олди. Эвазига Хитойдан ускуналар харид қилиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу билан «Нефтчилар» ва Бобур номили маҳалладаги «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлардан ўн нафарини доимий иш билан таъминлади.

Можира ТОҒАЕВА, Таълим ва фан ҳодимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Можира ТОҒАЕВА, Таълим ва фан ҳодимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

кексаларга, ногиронларга ва муҳтож оилаларга кўрсатилган ғамхўрликдан беҳад хурсанд бўлдим.

«Аёллар дафтари» рўйхатидаги хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқотлар натижасида Мавлуда Рўзиева тиббий кўриқдан ўтказилди. Унга даволаниши учун зарур дори-дармонлар олиб берилди.

Оилавий шароити оғирлиги туфайли аёл боши билан мардикорлик қилаётган, аммо топган-тутгани ногирон эрини даволашга ва болаларини боқишга етмаётган Муқаддам Орипованинг илтимоси ҳам ижобий яқун топди. У ҳозирча жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди.

«Аёллар дафтари»га киритилган доимий эътиборда бўлади ва муаммолари ҳал этилгандан сўнггина рўйхатдан чиқарилади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирга қадар шаҳарда ишсиз ва кўмакка муҳтож деб топилган 580 нафар аёлдан 366 нафарининг ташвишлари ариди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»





Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш кўмитасига!

Самарқанд вилояти

Тайёр ошга бақовуллик эмасми?


Нуробод туманида бутун ижтимоий тармоқни ларзага солган «қўйлар» воқеасини диққат билан кузатиб бордик. Мутасаддиларнинг ОАВ вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманидаги фикрлари эса ҳафсаламизни пир қилди. Гўёки бир гуруҳ қишлоқ одамлари яйлов учун солиқ тўлашдан қочиб, кластерга тегишли қўйларни туман марказига ҳайдаб борганмиш...

Қишлоқда қимирлаган жон борки, чорва боқиб, сут-қатиқни, имкон бўлса, гўштни ўзидан чиқаришга интилади. Сут-қатиқ сотадиган дўконнинг ўзи ҳам йўқ. Боқайтган чорва миз эвазига мол-мулк солигини тўлаймиш. Таннари қиммат бўлса ҳам гўш етиштириб, бозорни тўлдиряпти. Эндиликда табиий яйловлар қўмита таркибидаги кластерлар ихтиёрига ўтди. Янги тузилмага аъзо бўлишнинг шартлари, тўлови бор. Ҳайда 1-2 қорамол, 5-10 та қўй ушлаган қишлоқ аҳлининг кластер шартларини бажаришга на имкони, на пули

бор. Айниқса, бизнинг Қўшраб-бот шароитида ўт-ўланларнинг умри бир ойга ҳам бормади, сарғайиб қуриди. Йил ўн икки ой қўлдан қўшимча озуқа берамиз. Ноиложликдан, уйда маъраб турмасин, деб яйловга ҳайдаймиш. Энди шу имконият ҳам чекланяпти.

Янги тузилманинг Қўшраб-бот шароитидаги истиқболлиги ўйлаб кўра бўлмайди? Масалан, минглаб гектар экин майдонлари фермерларга тақсимланган. Бу далаларнинг самардорлиги – нолга тенг. Бир гектар ердан давлатга 2 центнер (200 кило) ҳосил топширилади. Боз устига, ғалла ҳар йили «қора куй»га ем бўляпти. Ана шу майдонларга беда ва бошқа озуқабоп экин экилса, ўн карра зиёд даромад келарди. Кластерлик ҳаракати ҳам гуллаб-яшнади. Табиий яйловга от қўйиб, «тайёр ошга бақовул» излашга ҳам ҳожат қолмасди. Халқнинг фикри ҳеч кимга қизиқ эмасми?

Камолитдин САИДОВ
Қўшработ тумани



Хоразм вилояти

Сўнгги йилларда кўрилган чора-тадбирлар туфайли олий таълимга қамров 2019 йилда 20 фоизни, 2020 йилда 25 фоизни ташкил қилгани, бу йил 36 фоизга етказилиши кўзда тутилаётгани эътирофга лойиқ. Аммо ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этади. Бизда ҳам олий маълумотли

бўлиш истагидаги ёшлар ниҳоятда кўп. Бироқ бунга монелик қилувчи айрим сабаблар бор. Улардан бири маблағ билан боғлиқ. Олий ўқув юрларида давлат грантлари миқдори ниҳоятда чекланган. Демак, аксарият ёшлар тўлов контрактлари асосида ўқиши керак.

Айрим ёшлар тўлов контрактлари асосида ўқишга қабул қилин-

са, ўқишни рад қилади. Сабаби – контракт тўловини тўлашга ота-онанинг қурби етмайди. Айрим ота-онalar бундай вазиятда банкларга мурожаат қилиб, контракт тўловлари учун кредит олишга ҳаракат қилишади. Аммо ҳамма банклар ҳам таълим кредитини ажратавермайди. Шартлари осон эмас. Асосийси эса, фоизлари ниҳоятда баланд.

Тижорат банкларининг интернет саҳифаларидаги маълумотларга кўра, таълим кредити «Микрокредитбанк»да йиллик 25 фоиз, «Миллий банк»да 3 йилгача йиллик 20 фоиз, 5 йилгача йиллик 22 фоиз, «Турон банк»да 5-10 йилгача йиллик 26 фоиз устузма билан берилди. «Халқ банки»да «Имкон талаба» кредитини олиш учун 15 фоизлик бир марталик тўловни амалга ошириш лозим. Таълим кредити (суперконтракт)нинг йиллик устумаси 23 фоиз. Аслида-ку, бизда ҳамма кредитларнинг устумаси бошқа давлатларникидан анча баланд. Балки банкларнинг имконияти шундайдир. Аммо таълим тижорат эмаслигини инобатга олиш керак, деб ўйлайман.

Марказий банк кўпчилик юртдошларимизнинг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти янада юксалишини кўзлаб, ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилса, айни мудоао бўларди.

Юнусбек РЎЗМЕТОВ
Урганч шаҳри



Наманган вилояти

Соғлиқни сақлаш вазирлигига!

Тиббий хизмат арзон бўладими?

Бугун соғлиғида муаммоси бор инсон даволаниш мақсадида давлатга қарашли бўлган тиббий муассасаларга эмас, аксинча, хусусий шифохоналарга мурожаат қилади. Боси – хусусий шифохоналарда тиббий ҳамда сервис хизмат кўрсатиш сифати анча юқори. Аммо у ердаги нархлар ниҳоятда қиммат.

Тўғри, пулинг йўқ экан, давлат шифохоналарига мурожаат қилсанг бўлмайди, дейдиганлар ҳам топилади. Лекин давлатга қарашли шифохоналарда замонавий тиббий ускуналар етарли бўлмагач, малакали мутахассисларнинг аксарияти давлатга қарашли шифохоналардан кетиб, ойлик маоши юқори бўлган хусусий шифохоналарда ишлаётган бир пайтда, беморлар бошқа қаерга ҳам мурожаат қилсин?

Биргина Наманган вилоятининг ўзида урология йўналишида лазер орқали жарроҳлик амалиётини ўтказувчи ускуна фақат «Анамед» хусусий шифохонасида мавжуд. Нега давлатга қарашли тиббиёт муассасалари ҳам ана шундай қиммат апаратуралар билан жиҳозланмайди? Нега у ердаги врачларнинг малакаси, тажрибаси хусусий шифохоналарда ишлайдиган шифокорлар билан рақобатлаша оладиган даражада эмас? Нега одамлар тиббий ва сервис хизмат ҳақи ниҳоятда юқори бўлган хусусий шифохоналарда даволанишга мажбур? Вилоятнинг давлатга қарашли тиббий муассасаларида ҳам нега шундай шароитлар яратилмаган? Давлатга қарашли шифохоналарнинг тиббий ва сервис хизмат кўрсатиш сифати қачон юқори даражага кўтарилади?

Баҳром СОДИҚОВ
Наманган шаҳри



«Ўзавтотранс» агентлигига!

Сирдарё вилояти

Вокзал лойиҳаси қачон амалга ошади?

Гулистон шаҳар автостанция хизматини яхшилаш ва қўшимча қўлайликлар яратиш учун автостанция биносини реконструкция қилиш белгиланган эди. Лойиҳа буюртмачи «Ўзавтотранс» агентлиги ва «Техсис лойиҳа» МЧЖ ўртасида 2019-2020 йилларда амалга оширилиши керак эди. Аммо бино паспорти осиб қўйилган-у, шу пайтгача амалда ҳеч қандай иш бажарилмаган.

Вилоят марказидаги шаҳар автовокзали шу кўринишда яна қанча вақт қолади?

Озода МАМАДАЛИЕВА
Гулистон шаҳри



Тошкент шаҳри

Соғлиқни сақлаш вазирлигига!

Бизда қайси раҳбарлар эмланди?

Бугун жаҳон афкор оммаси хорижий мамлакатларнинг кўп-кўп раҳбарлари, таниқли шахсларнинг турли вакциналар билан эмланаётганидан хабардор. Бу жараёнларнинг очиқ-ошкоралиги кенг жамоатчиликда вакциналарга нисбатан ишонч уйғотиш, шу билан бирга, жамиятда оммавий иммунитетни шакллантиришга озми-кўпми хизмат қилади. Бизда эса кўча-кўйда оддий одамлар вакциналарга ҳали ишонч билан қараяпти, дейиш қийин. Турли қарашлар бор, қатъий ишонч эса йўқ ҳисоби.

Мамлакатимизда қайси раҳбарлар ёки эл назаридаги шахслар коронавирусга қарши эмланди? Бу борадаги маълумотлар нега эълон қилиб берилмайди?

Ноила АҲМЕДОВА
Юнусобод тумани



Тошкент шаҳар ҳокимлигига!

Ернинг нархи нега осмон?

«Тошкент марказида бир сотиқ ер тўрт йил олдин 20-25 минг долларни ташкил қиларди, ҳозир эса 100 минг доллардан бошлаб 150 минг долларгача ҳам боради» деди Murad Buildings асосчиси Мурад Назаров Alter Ego лойиҳаси доирасида блогер Кирилл Альтман билан суҳбатда.

Унинг сўзларига кўра, шаҳарда қурилиш олиб бориш фойдасиз бўлиб бораётган эмиш. «Ер қиммат бўлса, ундаги кўчмас мулк ҳам қимматлашади, уни сотишда ҳам қийинчилик туғилади», деб тушунтирган Мурад Назаров.

Бундай ҳолатда Тошкентнинг четроқ жойларида ҳам нархларнинг ошиши табиий. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Нега пойтахтда ернинг нархи кескин кўтарилиб кетди? Бунга асосли жавоб борми?

Шомаҳмуд ШОТУРСУНОВ
Шайхонтоҳур тумани



Бухоро вилояти

Мажбурий ижро бюросига!

МИБнинг вазифаси нима?

Бир фуқарога катта миқдорда қарз берган эдим. У пулни вақтида қайтармагани учун судга мурожаат қилдим. Суд қарор чиқариб, қарзни ундириш учун Мажбурий ижро бюросига юборди. МИБдагилар эса мана икки ойдан ошдики, суд қарорини бажаришмаяпти.

МИБнинг вазифаси нима?
Хайрулло ПЎЛотов
Пешку тумани



Жиззах вилояти

Вазирлар Маъкамасига!

Қадамимизга пул тўлашадими?

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг тарғиб этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра, «Соғлом турмуш тарзи» платформаси яратилиши керак эди. Унда фуқароларнинг кунлик юриши миқдори ҳисобланиб, электрон ҳамёнга пул тўпланиши белгиланган. Ҳужжатда бу тартиб 2021 йилнинг 1 мартидан ишга тушади, дейилган. Хўш, қадамимизга қачондан пул тўлашади?

Шароф Рашидов тумани

Ҳакимжон ТИЛЯБОВ



Оғизда бор-у амалда йўқ(ми?)

Эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси 2022 йилнинг 1 январига қадар амал қилади. Ҳужжатни алмаштириш учун Давлат хизматлари агентлигига мурожаат қилиш лозим. Агар 1 январгача эски ҳайдовчилик гувоҳномангизни янгисига алмаштирмасангиз, автоуловингизни бошқара олмайсиз.

Энди қаранг, гувоҳномани алмаштириш учун Давлат хизматлари агентлигига мурожаат қилиш лозимлиги айтиляпти.

Аммо Данғара туманидаги Давлат хизматлари марказига борсангиз, ишингиз битмаслиги аниқ. Негаки, бу ерга ҳали «бунақа аппарат» берилмаган экан.

Табиий савол туғилади: Давлат хизматлари агентлигига эски ҳайдовчилик гувоҳномангизни янгисига алмаштирамангиз, автоуловингизни бошқара олмайсиз.

Ахир бу одамларни ортқча сарсон қилиш эмасми?
Жамшид ЭРГАШЕВ
Данғара тумани



Адлия вазирлигига!

ЕРТУЛАДА СУВ ҚУВУРИ

ёки «шошқалоқ» мурожаатгўй ҳамда «туя гўшти еган» муаммо

Андижон шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси Маҳмуджон Ҳожиматовнинг, неча йилдирки, бир оёғи давлат идораларида. Бир кўрган – таниш, икки кўрган – билиш, деганларидек маҳаллий ҳокимлик, Халқ қабулхонаси, «Сувоқова» корхонаси сингари муассасаларга мурожаати юзасидан бўзчининг моксилик қатнайверганидан мутасаддилар билан аллақачон «қардон» бўлиб кетган.

Муаммо отахоннинг ўзигагина тааллуқли бўлса, кошқийди. Шикоятларда Ал-Бухорий номли маҳалладаги тўққизта хонадонга дахлдор масала кун тартибига қўйиб келинапти.

Оқсоқолнинг таъкидлашича, 1960 йилларда одамларга турар-жой қуриш учун шаҳарнинг Бўстон даҳаси, жумладан, ҳозирги Ал-Бухорий номли маҳалла ҳудудидан 4-6 сотихдан ер майдонлари ажратилади. Ҳожиматовлар оиласи ҳам ўша кезларда ушбу ҳудудда уй-жой тиклашган. 1996 йили маҳалланинг Мумтозбегим 4-тор кўчасида етти метр чуқурликдан сув тошиб чиққач маълум бўладики, уй-жойлар остига (бир қисмининг) катта сифимдаги ичимлик суви қувури қўйилган экан!

Тўрт йил аввал – аксарият амалдорлар «давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойилга энди-энди қўникаётган кезларда маҳалладошлар Маҳмуджон Ҳожиматов бошчилигида тегишли ташкилотларга ёзди-чиздини бошлашади: тўққизта хонадон ичидан марказий сув қувур ўтган экан, шуни бошқа жойга қўйиб беринг, биз ҳам беҳавотир ўтирайлик!

Чиндан-да арзғўйларнинг хавотирланганича бор эди. Яъни, 2017 йилнинг қиш-қировли кунларида маҳаллада истиқомат қилувчи Қосимовлар ҳовлисидан ўтган қувур тешилиб, сув тошади. Собиқ шаҳар ҳокими Дилмурод Раҳматуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ вақте жойига етиб боради ҳамда носозлик бартараф этилади. Аммо

сув балоси ўз кучини кўрсатиб улгурган, хонадон эгаларининг эса киши ҳавас қиладиган бақувват турар-жойининг бир қисмини бузиб, қайтадан қуришдан бошқа чораси қолмаган эди. Хулоса эса аниқ, ҳовли-жойлар остидан ўтган қувурлар кўчирилмас экан, бу каби ёқимсиз ҳолат бошқа кўшнларнинг ҳам бошига тушмаслигига қафолат йўқ!

Ниҳоят, Маҳмуджон Ҳожиматовнинг мурожаатлари инobatга олиниб, 2019 йилнинг 7 январь куни Андижон шаҳри ҳокимининг зикр этилаётган ҳудуддаги аҳоли уйлари остида қолган диаметри 400 мм.га тенг 400 метр узунликдаги марказий ичимлик суви тармоғини ҳимоя ҳудудидан ташқарига олишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинади.


Қарор ижроси «Сувоқова» давлат унитар корхонасининг Андижон шаҳри филиали раҳбари Х.Алимов томонидан имзоланган жавоб хатларининг бирида ушбу муаммо 2019-2020 йиллар мобайнида бюджет маблағлари ҳисобидан ечимини топиши қайд этилади.

Аммо орадан бир ярим йил ўтса-да, ҳадеганда ўзгартиш бўлавермагач, Маҳмуджон Ҳожиматов 2020 йилнинг июнь ойида Халқ демократик партиясининг Андижон вилояти кенгаши раиси А.Нурматовга мурожаат қилади. Кенгаш раиси ўз навбатида «Андижон сув таъминоти» МЧЖга депутат сўрови йўлайди. МЧЖдан олинган жавобда қайд этилишича, назарда тутилаётган 400 метрлик сув қувури ўрнига янгисини қуриш бўйича 2022 йил инвестиция дастурига тақлиф берилибди. Тақлиф тасдиқланиб, маблағ манбасига аниқлик киритилгандан сўнг масала ечимини то-

пар экан, насиб... Дарвоқе, ХДПнинг тегишли ишчи гуруҳи, жумладан, партиянинг Андижон шаҳри кенгаши раиси М.Жалолов, Ал-Бухорий номли МФЙ раиси Р.Эргашева томонидан юқоридаги мурожаат юзасидан ўрганиш натижалари ҳақида тайёрланган маълумотга эътибор беринг. Ишчи гуруҳи ўз хулосасида М.Ҳожиматовнинг яхши инсонлиги, меҳнат фахрийси сифатида маҳалладаги барча тадбирларда фаол иштирок этганини таъкидлаш бартарабиде «фақат баъзи муаммолари масалаларда турли идораларга шошилиб мурожаат қилиш одати бор. Маҳалла фаолини раиси МФЙ раиси эки оқсоқоллар орқали ўша муаммони ҳал қилиш мумкин бўлади ёки керакли идорага расман мурожаат қилинади» деб унинг ўзини андак айбдор ҳам санаб қўяди.

Ажаб, ажаб... Тўққизта хонадонга хавф солиб турган муаммони йиллар давомида судраб келаётган масъуллар қолиб, масалани жамоатчиликка ҳавола этаётган фуқаро айбдор саналса?! Ҳолбуки, фаоллар, хусусан, МФЙ раиси «шошқалоқ» дея пинсада этган Маҳмуджон Ҳожиматов маззу юзасидан давлат идораларига тўрт йилдан буён арз қилиб келади. Мазкур мурожаатларнинг аксариятига маҳалладаги бошқа фаоллар ҳам муаллифлик қилишган. Шундан келиб чиқилса, МФЙ раисининг муаммодан хабардор бўла туриб, «биз билан маслаҳатлашмабди-да» қабилида жавоб хати тайёрлашга бош қўйиши худдики бир фуқарони деб ороми бузилганидан норози эканини ифодаляётгандай туюлади...

Аввалига 2019, кейин 2020 йилга, энди эса «2022 йилга тақлиф киритилгани» айтилаётган масала ечимини топгунча эса улардан яна сув тошмай туришига қафолат борми? Саксон ёшли оқсоқолнинг асосий хавотирини шундан, холос.



Нурилло НЎЗМУРОВА, «ISHONCH»

Оғриқ тишлар

Орамиздаги одамлар

Бомдод ибодатидан сўнг жойнамозини йиғаётган Хуррам бобонинг қўл телефони жиринглаб қолди. Маҳалла имоми мулла Раҳматулло экан, саломалиқдан сўнг:

– Тинчликми, тақсир? – деб сўради Хуррам бобо. – Унчалик тинчлик эмас, – деди имом тавшишли оҳангда. – Эгамберди муаллим ўтиб қолибди. Эшмат акага хабар бердим. Шермат бобога айтсангиз, гузарда тўплансак.

Улуғлар ишин қил...

Улар аздор хонадонга кириб боришганида оила аъзоларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Мулла Раҳматулло дарҳол Эшпўлат Мусаевга қўнғироқ қилди. Мусаев «Янги турмуш» маҳалласи раисининг ёрдамчиси. Пенсияда бўлса-да, ҳамон одамлар тавшишига шерик.

Фаол оқсоқоллар уч кун мобайнида мусибатли хонадонда бosh-қosh бўлишди.

Бу нурунийларнинг иймони мустаҳкам. Улар эл дарди билан, замон талаби билан иш кўради-кан, «Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам бошқаларга яхшилик қил» каломини қалбларига жо қилиб олишган.

Умр қисқа, ҳаёт абдий. Бу дунёдаги яхши амалларини давом эттириш эса тириклар учун фарз-дир. Раҳматулло, Эшмат, Хуррам, Шермат боболар ҳам Аллоҳ ризолигини олишга интилиб яшашмоқда.

МФЙ раиси Ойгул Қаномова улар билан бамаънафат иш қилади. Баҳор юмушлари бошланган пайтда ҳам шундай бўлади.

Эшмат бобо маҳаллада ҳали томорқа ерини ағдармаган, аригини тозалламаган, ҳовлисига қўчат эки гул экмаган оилалар анчагина эканлиги, нима учун баъзи одамлар маҳалладан ёки ҳокимиятдан бирор муаммосини ҳал қилишни талаб қилади-ю, ўз уйини ободлаштирмаслиги, уйма-уй юриб бу ҳолга чек қўйиш лозимлигини айтганда, унинг тақлифи барчага манзур бўлиб, шу куннинг ўзидаёқ амалий ишга ўтилган эди.

Бундан уч йил илгари Президентимиз ташаббуси билан барча туманларда бўлгани каби Қизилқум тумани марказида ҳам муҳташам «Нурунийлар маскани» биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Чоғроққина чойхонаси, дам олиш ва шахмат-шахка хоналари, кутубхонаси ва бошқа қўлайликларга эга бўлган ва маскан тез орада Нурунийлар штабига айланди. Хатто айрим маҳаллалардаги оилавий келишмовчиликларни бартараф қилиш учун шу жойда маслаҳатлаши-

ларди, ташкилот-корхоналарда кўп йиллар ишлаб, меҳнат нафақасига чиққан пенсионерлар билан жадал асосида бир пиёла чой устида учрашувлар йўлга қўйилар, нурунийлар яйраб-яшнаб гурунглашишар эди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди-ю, ана шу «Нурунийлар маскани» идораси йўқ бошқа бир маҳаллага олиб берилди. Бу ҳолатдан нурунийларнинг кўнгил ойналари чил-чил синди. Ажабланасан киши, бир маҳаллага вазирлик томонидан идора қуриб бериш ўрнига қарийб 8 мингга яқин кексаларнинг масканини тортиб олиш инсофданми ахир?

...Мақолаимиз аввалида тилга олиб ўтган иймони бутун бобо-лар кирчиллама йигитлик чоғларида бу ерларга чўлқувар бўлиб келишган. Бугун тинч-осуда замонга, истиқлолимизга шукроналар айтиб, ўзгалар дардини ўз дардлари деб билган ҳолда куюнчақлик билан умргузаронлик қилишмоқда. Мустақилликнинг ўттиз йиллик тарихининг ҳар бир варағида бундай олижаноб юртдошларимизнинг меҳнатлари кўзга ташланиб турибди. Ўтган йил охирида Қизилқум туманида иш бошлаган Агрокластер раҳбарияти бизни Бухоро вилоятига саёҳатга олиб борди. 4 та сектор раҳбарлари, кластер таркибидеги деҳқон ва мутахассислар, нурунийлардан иборат 45 нафар киши Етти Пир мажмуаси, Хожа Баҳауддин Нақшбанд қадамжосини зиёрат қилдик. Ул зотнинг мажмуалари узра мулло Раҳматуллонинг Куръон тиловати янраганида руҳиятимиз янада поклангандек туюлди. Ушал аснода ҳазрат Нақшбанд бобомизнинг қуйидаги байтлари дилмидан беихтиёр тилимга кўчди:

Улуғлар қабирида муштоқ эурсан,

Улуғлар ишларин қил – тоғ эурсан.

Чори АЛИМОВ, меҳнат фахрийси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танлови республика босқичи қолиби

Бировнинг ҳақи

Болалик чоғимизда ўйда 70-80 бош қўй бўлар эди. Отам баҳордан то кузгача уларни далага олиб чиқиб боқарди. Қиш кунлари эса қўйларга қараш кўпинча менинг зиммамга тушарди. Отамни жуда яхши кўрганим учун тонг саҳарлаб ундан олдин уйғониб, чой дамлардим. Отам билан нонушта қилишнинг файзи ўзгача бўларди. Отам нонни темир қисқич билан тутиб чўғга қиздириб, сариёғ, асал ё мурabbo суриб берар эди.

Бир кун отам уйга кайфиятсиз кириб келди. Онам билан суҳбатига қулоқ тутиб ўтирдим.

– Абдулла оғайним бир кўчор олганига анча бўлганда, – деди отам суҳбат асносида. – Ё пулини бераман, ё бозордан бошқа кўчор олиб бераман, деган эди. Бугун ўша кўчорнинг пулини сўраб борсам, «Сендан кўчор-пўчор олганим йўқ, гувоҳинг борми?» деди. Мен эса «Гувоҳим Аллоҳ» деб чиқиб келавердим...

Орадан уч-тўрт ой ўтиб, отам ўша оғайнисини яна эслади: – Абдуланинг соғин сигири бедазорни пайхон қилибди, камига дамлаб ўлибди.

Бир ҳафтала ўтиб, кўшнимиз Абдулла аканинг эшаги ва бир қўйи ўлиб қолганини эшитдик. Ушанда отам йўғлади. Онам эса «Нега йўғлабдиз, садқаи одам кетсин шу оғайнингиз!» деди. Отам «Учта тилсиз жонивор Аб-

дулланинг лафзсизлиги оқибатида ўлиб кетди, гувоҳим Аллоҳ демасам бўларкан» деди. Отам ветеринар бўлгани боисми, жониворларни жуда яхши кўрарди. Онам отамни яна юпатди: «Сизда айб йўқ, қадимдан қолган гап бор-ку: бировнинг ҳақи – тангрининг ҳақи».

Ота-онанинг бу суҳбати менга қаттиқ таъсир қилган, бир умр ёдимда қолган. Фарзандларимдан ҳам бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликни талаб қиламан. Мактабда, коллежда дарс берган чоғларимда шоғирларимни ҳам ҳалолликка, омонатга хиёнат қилмасликка, олинган қарзни ўз вақтида қайтаришга ундардим.

Кекса отам ҳозир ҳам бизга кўп ҳикоялар, ривоятлар гапириб беради. Уларнинг ҳар биридан ҳикмат топамиз.

Қурбонбика ўРОЗМЕТОВА, фахрий педагог
Урагач шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси

Яқинда Беруний тумани ҳудудидаги Ақчаханқалъа тарихий ёдгорлигидан 6 метрли одам тасвири туширилган деворий сурат топилди. Кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган мазкур топилманинг аҳамияти нафақат юртимизда, балки дунё археология соҳасида ноёб янгиликдир.

ОЛТИ МЕТРЛИ ОДАМ СУРАТИ

ёхуд қадимги Хоразмнинг пойтахти «Даржас» бўлганми?

Сидней университети профессори, археолог Алисон Беттснинг таъкидлашича, Ақчаханқалъада энг ноодатий девор расмлари мавжуд бўлиб, улар зардуштийлик тарихида муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур ҳудуддан одамлар ва отларнинг расмлари ҳам топилган. Фрагментлар жойлашган «катта зал»нинг узунлиги 20 метрни, баландлиги 10 метрни ташкил қилади. Энди моҳиятга чуқурроқ назар ташласак, мазкур ҳудудда Қорақалпоғистон – Австралия экспедицияси



бошлаган. Улар марҳумларни ушбу тепаликдаги Ақчаханқалъага дафн қилган. Амударёнинг ўнг томонидаги бу катта қалъанинг номи тўғрисида эса қатор манбалар мавжуд. 1910-1912 йилларда шу ҳудудда тадқиқот ишларини олиб борган россиялик тарихчи Н.А.Димонинг ёзма манбаларида бу жой Ақчаханқалъа деб аталади.

Мозий синоатлари



Ўрта аср ёзма манбаларида қадимги Хоразмнинг пойтахти «Даржас» бўлган деган маълумот ҳам бор. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бу қалъа номи балки «Даржас» бўлиши ҳам мумкин.

Ақчаханқалъанинг тарихи тўғрисида сўз кетганда, дастлаб, 1937 йилда Москва фанлар академияси ҳузурда Толстов экспедициясининг очилганини таъкидлаш жоиз. Мазкур экспедиция 1945 йилгача «Хорезм археологик экспедицияси» деб номланган бўлса, кейинчалик – мустақиллик йилларига Жадак раҳбарлигидаги этнографик экспедиция деб аталган. Мазкур экспедиция шу йиллар мобайнида Қорақалпоғистон ҳудуди, жумладан, Ақчаханқалъа тарихи бўйича тадқиқот ўтказди. Мазкур обидани Андриянов, Фуломовлар ҳам ўрганиб, ёдгорлик тарихини милоддан аввалги II, III, IV асрлардаги Кушон даври билан боғлайди. Ақчаханқалъа эсдаликларини қазийда марҳум олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайратдин Ҳўжаниёвнинг меҳнатлари кўп бўлганини қайд этиб ўтиш жоиз.

Умуман олганда, ушбу деворий суратлар тарихнинг янги саҳифаларини очиб бериши шубҳасиз.

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Хамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлибди),
- Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:
- Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
- Хўқўч ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
- Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
- Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
- Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Қудудлардаги муҳбирлар:
- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
- Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
- Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
- Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-34
- Жиззах вилояти – (+998-99) 889-98-02
- Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
- Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
- Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
- Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
- Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
- Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
- Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
- Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С.Абдурахмонов

Мусаҳҳиж:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:30

Топширилди – 23:00

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 406. 30379 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Iprotika bank»

Яшнобод филиали,

Банк коди: 00959,

СТІР: 201133889,

ОКЭД: 58130